

АБУ БАКР КОСОНИЙНИНГ “БАДОИЪУС САНОИЪ ФИ ТАРТИБ АШ-ШАРОИЪ” АСАРИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Қамбаров Аъзам Мухаммадали ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ислошунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси кат. Ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12664044>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўртага ташланаётган фикрлар ҳанафийлик эътиқодий йўналиши методологик тамойиллари ва анъанавий усуллари талабларига риоя қилинган ҳолда шакллантирилади. Ижтимоий таъминот борасидаги фикрлар Самарқандлик фикҳ олими Абу Бакр ал-Косоний қаламига мансуб “Бадоиъ ас-Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” номли китобида ва умуман Марказий Осиё диёрида, хусусан Республикамизда жорий қилинган фикҳий қоидалар ва юридик далилларга таянган ҳолда замонавий меъёрлар асосида мушоҳада қилинади.

Калит сўзлар: Бадоиъ, Саноиъ, Косон, фарз, вожиб, суннат, далил, ижмоъ, қиёс, асл, усул, фуруъ, ислом, шариат.

PECULIARITIES IN THE STRUCTURAL STRUCTURE OF ABŪ BAKR AL-KĀSĀNĪ'S WORK "BADĀ'Ī' AL-ŞANĀ'Ī' FĪ TARTĪB AL-SHARĀ'Ī'"

Qambarov A'zam Muxammadali o'g'li

International Islamic academy of Uzbekistan

Senior teacher of Islamic studies and study of Islamic civilization ICESCO chair

ABSTRACT

The opinions expressed in the article are formulated in accordance with the requirements of the methodological principles and traditional methods of the Ḥanafī faith. Opinions on social welfare are observed on the basis of modern standards based on the book "Badā'ī' al-ṣanā'ī' fī tartīb al-sharā'ī'" written by the jurist of Samarkand, Abū Bakr al-Kāsānī, and based on the jurisprudence rules and legal arguments introduced in Central Asia in general, in particular in our Republic.

Key words: Badā'ī', Ṣanā'ī', Kāsān, farḍ, wajib, sunnah, evidence, ijma', qiyās, asl, 'Uṣūl, furu', permissible, Islām, sharī'ah.

Абу Бакр Косонийнинг “Бадоиъу-с-саноиъ” асари “Китобут-таҳорат” (Поклик китоби) билан бошланиб “Китобул-қарз” (Қарз олди-берди китоби) билан якунланган бўлиб, бу тартибни асарнинг таркибий тузилмасини шакллантиришдаги мустақил бир услуб деб баҳолаш мумкин.

Мазкур асарда жами етти юз саксонта (780) фасл ва етмиш битта (71) китоб жамланган. Асарда “Мерос”, “Никоҳ” “Нафақа” (ижтимоий таъминот), “Савдо”, “Боғийлик”, “Жиҳод” каби мавзуларга тааллуқли масалалар атрофлича муҳокама қилинган.

Асарнинг асосий методик устунлиги – унда шариъат масалалари тартиблаб, таснифлаб чиқилганлигидир.

Абу Бакр ибн Масъуд Косоний “Бадоиъу-с-саноиъ” асарининг муқаддимасида уни ёзишдан асосий мақсади ва ушбу асарни ёзишнинг долзарблиги борасида тўхталиб ўтади:

“Бу соҳа (фиқҳ) бўйича ҳозиргача машойихларимизнинг жуда кўп асарлари мавжуд, барчалари ҳам аъло даражада, манфаатли китоблар ёзиб қолдирдилар. Аммо, улар шаръий ҳукмларни тартиблаш ва таснифлашга кўп ҳам эътибор бермаганлар. Устозим – суннати шариф меросхўри ва тарқатувчиси, шайх, зоҳид имом, Алоуддин, аҳли сунна раиси Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аби Аҳмад Самарқандий (Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин)гина бу ишга эътибор берди. Мен ҳам устозимга эргашидим ва ундан намуна олдим. Ҳар қандай соҳада ёзилган китобдаги асосий мақсад – ўқувчиларни излаган маълумотларига осон йўл орқали етказиш ва уларни мавзунинг моҳиятига яқинлаштиришдир. Бу мақсадга соҳалар хусусиятидан келиб чиқиб, маҳорат билан маълумотларни тартиблаш ва таснифлаш орқали эришилади. Тартиблаш – масалаларни қисмлар, бўлақлар ва турлар бўйича диққат билан ўрганиб чиқиш ҳамда қоидалар ва мезонлар асосида ҳукмга келишдир. Бундай усулда уларни тушуниш ва ёдда сақлаш осонлашади ва асар доимий мурожаат қилинадиган манбага айлана олади. Бор эътиборни шунга қаратиб, соҳа (фиқҳ)га хос тартиб билан фиқҳий маълумотларни ушбу икки китоб (жилд)да жамладим. Китобимни исми жисмига муносиб бўлиши учун “Бадоиъу-с-саноиъ фи тартибиш-шароиъ” деб номладим, зеро асар тартиблаш ва тизимлашда бадий маҳорат намунасидир. Аллоҳ таъолодан ушбу китобни якунига етказишда ёрдам беришини сўрайман. Аллоҳнинг карами ва фазлидан умид қилиб, Ундан китобимни ўтган устозларнинг меросини кейинги авлодга етказувчи манба ва мендан бу дунёда эсдалик, охиратда эса захира қилишини сўраб қоламан. Албатта, У умидларни рўёбга чиқарувчи ва сўровларни берувчи зотдир!”¹

Аллома Косоний “Муқаддима”да айнан фиқҳ илмига оид асарга қўл уриши боиси ҳақида ҳам тўхталади:

“Аллоҳни таниш, Унинг сифатларини билишда Тавҳид илмидан кейинги илмларнинг энг улуғи фиқҳ илмидир. Фиқҳ – ҳалол ва ҳаром, шариат ва аҳкомлар илми. Барча пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг шу буйруқларини етказиш учун юборилган. Чунки инсон илоҳий буйруқларни танимай, фақатгина ақл билан тўғри йўлни топа олмас. Аллоҳ таоло айтади: **“У Ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди.”**² Баъзи тафсирларда “ҳикмат” сўзидан мурод фиқҳ илмидир, дейилган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинади: У зот айтдилар: **“Аллоҳ таолога ибодатлар орасида фақиҳлик илмидан кўра афзалроқ амал бўлмаган. Динни англаган биргина фақиҳ олим шайтонга мингта обиддан кўра қаттиқроқ душмандир”.**

Бу илми ўрганишга тарғиб қилувчи хабарлар сон-саноқсиздир”³. Ривоят қилинадики, Умар розияллоҳу анҳу ҳузурига – Мадинаи Мунавварага Шом диёридан бир киши келди. Умар ибн Хаттоб: “Нима сабабдан келдинг?”, деб сўраганда, у киши “Ташаххудни яхши ўрганиб олиш учун келдим” деб жавоб берди. Шунда Умар йиғлаб юборди, ҳатто кўзёшидан соқоллари хўл бўлиб кетди, кейин айтди: “Аллоҳга қасам, Парвардигордан умид қиламанки, У Зот сени ҳеч қачон азобламайди”.

¹Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд Косоний. Бадоиъу-с-саноиъ фи тартибиш-шароиъ (Шайх Али Мухаммад ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд томонларидан таҳқиқ ва таълиқ қилинган). – Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997 (ўн жилдлик). (бундан кейин: Косоний. Бадоиъ.). – Ж: I. – Б.88.

²Бақара сураси 269 оят.

³Косоний. Бадоиъ. – Ж: I. – Б. 87.

Асар араб тилида “Бадоиъу-с-саноиъ фи тартибиш-шароиъ” деб номланган бўлиб, уни ўзбек тилига (Шариъат масалаларни тартиблашда гўзал санъатлар) деб таржима қилиб келинади. Аммо бу таржима матндаги мазмунни тўлиқ акс эттира олган дейиш қийин. Бу таржима кўп йиллардан буён қўлланиб келмоқда. Шунга қарамай асар номидаги сўзларни лексик таҳлил қилиш натижасида мазкур номдаги “гўзал санъатлар” деган сўз бирикмаси ўрнига “бадий маҳорат” сўз бирикмаси қўлланилса, маъқул бўларди, чунки араб тилидаги “Бадоиъус саноиъ” сўз бирикмаси семантикасида “бадий маҳорат” мазмуни устуворликка эга. Бунда асар номини ўзбек тилига “Шариат қонунларини тартиблашдаги бадий маҳорат” деб таржима қилиш мумкин бўлади.

Ҳозирга қадар олимлар орасида “Бадоиъ” асари “Тухфатул-фуқаҳо” нинг шарҳи ёки шарҳи эмаслиги ҳақида турлича баҳслар мавжуд. Айрим олимлар фикрига кўра у шарҳдир.⁴

“Тухфатул-фуқаҳо” нинг 1959 йилда танқидий нашрини амалга оширган доктор Муҳаммад Заки Абдулбар ҳам Косоний “Тухфатул-фуқаҳо”даги маълумотлар айтилишида “Бадоиъ” таркибида ҳам келтирилганига асосланиб, бу асар “Тухфатул-фуқаҳо”нинг шарҳи ҳисобланиши мумкинлигини айтади⁵. Тадқиқотчи олим Ҳефенинг “У “Тухфа”нинг шарҳи эмас, балки унга тақлидий тасниф”⁶ деган хулосавий фикр билдирган. Олимлар орасида иккала фикрни ҳам қўллаб қувватлаш ҳоллари учрайди.

Шарқшунос олим Отто Шпиз асарни “Тухфатул-фуқаҳо”нинг шарҳи дейиш нотўғри ва муаллифга нисбатан ноҳақлик, деб ҳисоблайди⁷.

Косоний асар муқаддимасида услуб жиҳатидан устозига эргашиганини билдирган, лекин асарнинг ҳеч бир жойида уни “Тухфа”га ёзилган шарҳ эканини айтмаган. Асарда “Тухфа” ва унинг муаллифи деярли тилга олинмайди. Муаллиф асарда асосан Имом Муҳаммаднинг (в. 189/805 й.) “Зоҳир ар-Ривоя” асарини зикр этади.

Масалан, Китобул-Ғасбнинг бошида Имом Муҳаммаднинг (в. 189/805 й.) ғасб ва талофат билан боғлиқ масалаларини шу мавзу остида тадқиқ қилганини ва ўзи ҳам бу мавзуга мана шу шаклда ёндошганини айтган⁸. Тизимли равишда тасниф қилинган бу асар услуб жиҳатидан “Тухфа”га эргашган бўлса-да, мавзуларни ёритишда бадийлик жиҳатидан “Тухфа”дан анча илгарилаб кетган, деб ҳисобланади.

Бинобарин, “Бадоиъ” асарини “Тухфатул-фуқаҳо” асари билан солиштирилганда Косоний фикрий масала ва ҳукмларни шарҳлашда барчага манзур ва тушунарли бўлган таҳлилий шарҳ услубини қўллайди. Олим “Тухфа”нинг матнини келтириб, уни шарҳлаш ва изоҳлашга киришмайди, балки бошидан охиригача мустақил таҳлилий услубни қўллайди.

Фадва Абдул Алийм Аҳмад Ат-Тоййарий Имом Косонийнинг бу асари борасида Имом Ибн Обидийн берган баҳони келтириб, унга яна шундай қўшимча қилади: “Имом Ибн Обидийн ал-Ҳанафий бу китоб ҳақида шундай деган эди: “Бу китоб катта аҳамиятга эга. Бизнинг китобларимиз орасида унга тенг келадигани топилмайди.”⁹ Имом Ибн Обидийн бизнинг китобларимиз деганда, Косонийнинг “Бадоиъ” асарига қадар мавжуд бўлган

⁴ Ҳожи Халифа, Кашф аз-Зунун, – Ж: I. – Б.230-371.; Кураший. Жавоҳир ал-Музийя. – Ж: IV. – Б. 26.

⁵ Алоуддин Самарқандий. Тухфат ал-фуқаҳо (нашрга тайёрловчи Муҳаммад Заки Абдулбар). – Дамашқ 1377/1958.

⁶ Heffening, “Kasani” IA.VI. 374.

⁷ Otto Spies, “Istanbul Handschriften zu dem Rechtswerk Bada’i us-Sana’i des Kasani”, Isl., XLI (1969).

⁸ Косоний. Бадоиъ. – Ж: X. – Б. 3.

⁹ Ибн Обидин ҳошияси. 1-жузъ 100-б. (١٠٠١/) حاشية ابن عابدین.

китобларнигина назарда тутган дейиш унчалик тўғри бўлмаслигини Аҳмад ат-Тоййарийнинг кейинги сўзлари исботлайди: “Шубҳасиз, Имом Ал-Косоний хусусан ҳанафий уламолар орасида ва умуман фикҳ уламолари орасида ўз фақиҳлик мақомига эгадир.”¹⁰ Олимларнинг ушбу сўзлари “Бадоиъ” асарининг мусулмон фикҳий мероси орасида қиймати жуда баландлигини кўрсатади.

Косоний ўзига қадар бўлган фақиҳлар ва олимларнинг тажрибаларига таянган ҳолда ва бошқалардан фарқли равишда ўз асари “Бадоиъ ус-Саноиъ”да фикҳий масалаларни таҳлил қилиш ва аниқлаштиришда фикҳий қоидаларнинг таянч нуқтаси сифатидаги аҳамиятига эътибор қаратади. Олим фикҳий қоидалардан қуйидаги ҳолатларда унумли фойдаланганини кўриш мумкин:

1)Ихтилофли масалаларда тарафларнинг қарашларини келтиргач, Ҳанафий мазҳаби натижаларини асослаб беришда; Мисол: Шароб ва тўнғизнинг зиммийларга мубоҳлиги масаласида Ҳанафий фақиҳларнинг қарашини (*الأصل في أسباب البقاء هو الإطلاق*) “Қолиш (давом этиш)да асл ҳукм итлоқдир” қоидаси билан асослаб беради.¹¹

2) Мазҳабнинг бирор масалада тўхтамли натижасини ёқлаб чиқишда; Масалан, Никоҳ китобида маҳр никоҳнинг жоиз бўлиш шарти эканига доир Ҳанафий мазҳабининг қарашига нисбатан қилинган эътирозга бошқа бир қоида орқали жавоб бериб ёзади: “бундай вазиятда бизнинг қоидаларимиз орасида бирон бир зиддият йўқ”, дейди.¹²

3) Бирор масаланинг муҳим бир қисми ниҳоясига етказилган паллада қозининг тўлиқ тугатилди, деб ўйлаб ҳукм чиқариши ҳолатида бу ҳукмнинг амалга ошишини англатишда; (*الاكثر بقوم مقام الكل في كثير من الاحكام*) “Кўп ҳақидаги ҳукмларда кўп қисм бутуннинг ўрнига ўтади”, (*الاجتهاد اذا خالف النص باطل*) “Агар ижтиҳод нассга зид келса, ботилдир”¹³

4) Турли мавзуларда берилган ҳукмларнинг асл қоидалар устига қурилгани ва бу қоидалар орасида бирор зиддият ва тафовут йўқлигини кўрсатишда; (*وهذه الاقوال ترجع الي اصل وهو ان عند الشافعي رحمه الله حد القذف خالص حق العبد واما علي اصحابنا ففيه حق الله تعالى عز وجل وحق العبد*) Яъни, “Бу мавзудаги турли фикрлар қуйидаги аслга таянади; Имом Шофеъийга кўра қазфнинг ҳадди ҳолис банд ҳаққидир. Бизнинг асхобларимиз асосланган қоидага кўра қазфда Аллоҳнинг ва банданинг ҳақлари биргаликда мавжуд саналади.”¹⁴

5) Шаръан маън қилинган нарсанинг ҳуқуқий натижа бермаслиги борасидаги қарашларни бартараф этишда; (*غير المشروع لا يكون معتبرا في حق الحكم*) “Машруъ бўлмаган (наrsa) ҳукм борасида эътиборга олинмайди”.¹⁵

6)Ҳанафий мужтаҳид фақиҳларнинг турли мавзуларга оид шарҳларни изоҳлашда; (*الأصل ان عمل كل انسان يكون له لا*) “Сўз аминнинг қасам билан деган сўзидир.” (*القول قول الامين مع اليمين*) “Ҳар бир инсоннинг қилган иши бошқаси учун эмас, ўзи учун бўлиши аслдир”¹⁶.

7)Ҳанафий фақиҳлари ихтилоф қилган масалаларга доир қарашларни таҳлил қилиш ва улар орасидан биттасини афзал билиб, ажратиб олишда; (*الساقط شرعا والعدم حقيقة سواء*)

¹⁰ Фадва Абдул Алиим Аҳмад Ат-Тоййарий. Имом Ал-Косонийнинг “Бадоеъус Саноеъ” китобида тузатишлар. (Ов китоби бошидан то Каффоратлар китоби охиригача)., магистр. иши. – Умул Куро Университети. 2007. E-mail: faadwa@gmail.com

¹¹ Косоний.Бадоиъ. X.21

¹² Косоний.Бадоиъ.III.485;

¹³ Косоний.Бадоиъ. – Ж:5. – Б.52-3.

¹⁴ Косоний.Бадоиъ. – Ж: IX. – Б.242.

¹⁵ Косоний.Бадоиъ. – Ж: IV. – Б.206-7.

¹⁶ Косоний.Бадоиъ. – Ж: VIII. – Б.330.

“Шаръан соқит бўлган нарса ҳақиқатан бўлмаган нарса билан тенгдир” қоидасини далил сифатида келтириб, Абу Ҳанифанинг қарашини қабул қилиш муносиброқ эканини айтиб ўтади.¹⁷

8) Мазҳаб ичида турли фикрий ихтилофларни келтириб ўтишда ўзи қўшилмаган қарашларни танқид қилишда;

(الحكم يدار علي السبب الظاهر لا علي الحكمة) “*Ҳукм ҳикматга эмас, аниқ бўлган сабабга боғлиқдир*” қоидасига кўра муддат ўтиши гувоҳликка тўсқинлик қилишини изоҳлайди.¹⁸

9) Масалаларда ақлий далилларга асосланилган ўринлар бўлса, уларни изоҳлашда; Масаланинг исботи учун келтирган ақлий далилни изоҳлашда (تكليف ما لا يحتمله الوسع ممتنع) “*Тоқат етмайдиган масъулият имконсиздир*” қоидасини зикр қилади.¹⁹

10) Фикҳий ҳукмларга асос қилиб олинган нақлий далиллар (насллар)ни шарҳлашда, хослаш ва иллатларини баён қилишда. Мисол учун; Қуръони каримнинг “*Бошингизни масҳ қилинг...*”²⁰ деган оятидаги “*масҳ*”нинг буюрилган миқдори қанча бўлишини (للاكثر حكم الكل) “*Кўп қисмга бутун ҳукми ижро қилинади*” қоидаси орқали баён қилади²¹.

11) Саҳобалардан нақл қилинган ривоятларни далил сифатида келтириш ва бу ривоятларни изоҳлашда; Ҳанафий мазҳаби қарашларини изоҳлашда саҳобалар ижмоъсини зикр қилиб, ўша ижмоъни изоҳлашда эса (المطلق ينصرف الي الكامل) “*Мутлақ бўлган комил бўлганга йўйилади*” қоидасини келтириб ўтади.²²

12) Тўғридан тўғри насллар (нақлий далиллар)га таянмаган мавзуларда фақиҳларнинг бу масалаларга оид қарашларини келтиришда; Шартнома асносида изн берадиган кишининг бўлиши шарти билан унга изн берса нофиз (ўтарли), берилмаса кейинчалик берилиши эҳтимол бўлган изн сабабли нофиз бўла олмаслигини маълум қилар экан, (الاصل المعهود ان ما لم يكن ثابتا بيقين لا يثبت مع الشك) “*Аниқ далиллар билан собит бўлмаган нарса шубҳа билан собит бўлмайди*” қоидасини келтиради.²³

13) Фаръий мисолларда бу масаланинг мазкур қоида устига қурилганини таъкидлашда; Зоҳирур-Ривояда боин талоқ нияти билан хотинига “сен бўшсан”, деган кишининг бу нияти саҳиҳ эмаслигига доир ҳукмни шарҳлар экан, бу ҳукмнинг (الثابت ضرورة) “*Зарурат юзасидан собит бўлган ҳукм зарурат миқдорича белгиланади*” қоидасига асосланишини таъкидлайди²⁴.

14) Турли фикҳ мактаблари ҳамда Ҳанафий фақиҳлари қарашларини келтирар экан, улар берган ҳукмларнинг иллатлари ва шартларини изоҳлашда; (الاجازة اللاحقة بمنزلة الوكالة) “*кейинчалик берилган ижозат олдин берилган ваколат ўрнига ўтади*”²⁵ ёки (العبرة في العبرة في) “*Шартномаларда эътибор маънога (кўра)дир, лафз шакллариига эмас*” қоидасини зикр қилади.²⁶

¹⁷ Косоний.Бадоиъ. – Ж: X. – Б.183–4.

¹⁸ Косоний.Бадоиъ. – Ж: I. – Б.507.; – Ж: III. – Б.575; – Ж: IX. – Б.56.; – Ж: X. – Б.332.

¹⁹ Косоний.Бадоиъ. – Ж: I. – Б.552-3.

²⁰ Моида,5/6.

²¹ Косоний.Бадоиъ. – Ж: I. – Б.103.

²² Косоний.Бадоиъ. – Ж: VIII. – Б.99.

²³ Косоний.Бадоиъ. – Ж: VI

²⁴ Косоний.Бадоиъ. – Ж: IV. – Б.226.

²⁵ Косоний.Бадоиъ. – Ж: II. – Б.396-7.

²⁶ Косоний.Бадоиъ. – Ж: VIII. – Б.6.

15) Шакл жиҳатидан ўхшаш бўлишига қарамасдан ҳукм жиҳатидан ўзгача бўлган фикрий масалалар орасида ихтилофларни изоҳлашда; (النّية لا تعتبر ما لم تتصل بالفعل) “Ният феъл (иш) билан бирга бўлмаса, эътиборга олинмайди” қоидасини эслатади.²⁷

Ёки: Рўздорнинг қуёшнинг чиқиши ва ботиши хусусидаги шубҳаси рўзага таъсир қилиш жиҳатидан фарқли эканини изоҳлар экан (لا يبطل المتيقن به بالمشكوك فيه) “Ишонч билан қилинган иш шубҳа билан бўлган иш сабабли ўринсиз бўлиб қолмайди” қоидасини келтиради.²⁸

16) Эътибордан четда қандайдир қоида борлиги ва ҳукм ўша қоида устига қурилганлигини англатишда; Мисол учун: “Шубҳа сабабли яқийн йўқ бўлмайди”²⁹, “Сўзнинг иъмоли (амали) ихмоли (тарки)дан афзалдир”³⁰, “Бақо (амалда давом этиш) ибтидо (бошлаш)дан энгилдир”³¹, “Заруратлар миқдорида кўра белгиланади”³², “Баййина (ҳужжат) даъво қилувчига, қасам эса инкор қилувчига шарт”³³ ва ҳоказо қоидаларни келтиради.

Булардан ташқари мазҳаб ичида ёки мазҳаблараро муносабатларда фикрий масалаларни ёритишда қўлланилган ва асос қилиб олинган таянч нуқталарининг моҳиятини очиб беришда атрофлича ёдошилганлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

Олим мазҳаб берган ҳукмни қоидалар билан асослаб берганидек, ихтилоф қилинган мавзуларда иккинчи томондагиларнинг ёндошувларини ҳам баъзан насслардан далил келтириб, баъзан эса тўғридан-тўғри қоидаларга таянган ҳолда танқид қилади.³⁴ Масалан, Имом Шофеъий (в.й.204/820) сотилган молнинг сотувчи қўлида сифатини йўқотиши туфайли шартнома бекор қилинишини олдини олиш мақсадида бадал олинишида сотувчига қамоқ ҳукми қўлланишини айтади. Косоний эса молнинг пул берилишидан олдин барбод бўлиш ҳодисаси жуда кам ҳолларда содир бўлиши сабабли ҳеч содир бўлмагандек қабул қилиниб, сотувчининг қамалмасликка ҳақли бўлишини айтади ва фикрини (النادر ملحق بالعدم) “Нодир ҳолларда учрайдиган ҳодиса йўқ ҳукмидадир”, қоидаси билан қувватлаб, Имом Шофеъийнинг (в.й.204/820) фикрини танқид қилади.³⁵

Косоний фақат Ҳанафий мазҳаби асосланган қоидаларни зикр қилибгина қолмасдан, балки бошқа мазҳаб уламоларининг асос қилиб олган қоидаларини ҳам биргаликда келтириб ўтади.³⁶ Масалан, Имом Шофеъийнинг Рамазон ойида бир неча бор жинсий алоқада бўлгани ҳолда рўзасини бузган кишининг ҳар бир жинсий алоқада бўлгани учун алоҳида каффорот бериши кераклиги ҳақидаги фикрига (الحكم يتكرر بتكرر سببه) “Ҳукм сабабнинг такрорланиши билан такрорланади”, қоидасига кўра қўшилади.³⁷

²⁷Косоний.Бадоиъ. – Ж: II. – Б.396-7.

²⁸Косоний.Бадоиъ. – Ж: II. – Б.634.

²⁹Косоний.Бадоиъ. – Ж: I. – Б.278-9, 359, 378-9, 402, 600.; – Ж: II. – Б.166, 607, 633-4.; – Ж: III. – Б.294; – Ж: IV. – Б.273, 304, 398, 481; – Ж: VII. – Б. 276; – Ж: VIII. – Б.501.

³⁰Косоний.Бадоиъ. – Ж: I. – Б.121,169; – Ж: III. – Б.264.

³¹Косоний.Бадоиъ. – Ж: IV. – Б.378.; – Ж: VIII. – Б.126; – Ж: IX. – Б.5542.; – Ж: X. – Б.597.

³²Косоний.Бадоиъ. – Ж: I. – Б.151; – Ж: II. – Б.155; – Ж: IV. – Б.246.

³³Косоний.Бадоиъ. – Ж: II. – Б.451-2; – Ж: IV. – Б.248; – Ж: V. – Б.283-4; – Ж: VII. – Б.233; – Ж: VIII. – Б.70,74.75,256-7,500,507; – Ж: IX. – Б.155; – Ж: X. – Б.104.

³⁴ Косоний.Бадоиъ. – Ж: I. – Б.312-3,348,361; – Ж: II. – Б.50,254-5,420,629; – Ж:III. – Б.78,80; – Ж: IV. – Б.304,307-8; – Ж: VI. – Б.96; – Ж: VII. – Б.161; – Ж: X. – Б.316-317.

³⁵ Косоний.Бадоиъ. – Ж: VII. – Б.247.

³⁶Косоний.Бадоиъ. – Ж:I. – Б.97,191-2,344-5; – Ж:II. – Б.70,392-3,401,416-7,491; – Ж:III. – Б.6-9,80,382-3; – Ж:IV. – Б.34,211,319,382; – Ж:V. – Б.437,493; – Ж:VI. – Б.57,116,550; – Ж:VII. – Б.22,60,453; – Ж:VIII. – Б.118,373; – Ж:IX. – Б.33,513; – Ж:X. – Б.41,404,522.

³⁷ Косоний.Бадоиъ. – Ж:II. – Б.625.

Косоний бошқа фикх мактабларининг қарашларини муҳокама қилаётганида улар ўртасида ихтилоф мавжуд бўлмаса, қараш ва асос олинган қоидани келтириш билан кифояланади. Агар улар ўрталарида фарқ бўлса ва бунинг сабаби насслар ҳамда ижмоъдан ташқари мазкур мавзуда қоиданинг ўзгача бўлишигагина боғлиқ бўлса, ихтилоф сабабини асос олинган қоидалардан келиб чиққанини таъкидлаб ўтади.³⁸

Ихтилофларда қоидаларга таяниш келтирилган масалага турлича ёндошувлар хилма-хил эканлигига боғлиқ фарқлар эканлиги ва бу жузъий ҳукмларнинг ҳам шу сабабли фарқли эканлигини кўрсатиб ўтади. Қазф ҳадди борасида шофеъийлар ва ҳанафийлар орасида пайдо бўлган қарама-қарши фикрларнинг асл қоидага боғлиқ эканини қуйидаги тарзда ифодалайди: (*وهذه الأقاويل ترجع الى اصل وهو ان عند الشافعي رحمه الله حد القذف خالص حق العبد واما علي*) *Яъни, “Бу мавзудаги турли фикрлар қуйидаги аслга таянади; Имом Шофеъийга кўра қазфнинг ҳадди ҳолис банда ҳаққидир. Бизнинг асхобларимиз асосланган қоидага кўра қазфда Аллоҳнинг ва банданинг ҳақлари биргаликда мавжуд саналади.”*³⁹

Бошқа мазҳаблар ҳар хил хулосаларга борган ихтилофли масалаларни келтирар экан, баъзан уларнинг бу мавзуда асос қилиб олган қоиданигина эътироф этиш билан чекланмасдан, қоиданинг шарҳи ва соҳасига доир билимларга мурожаат қилади ва нотўғри ёндашувларни танқид қилади.⁴⁰ Шунингдек уларнинг қарашлари ва бунга асос сифатида олган қоидаларини насс ёки ижмоъ (айниқса саҳобалар ижмоъси) сабабли тарк этганлигини айтади.⁴¹

Нассларда ҳукмлари билдирилмаган масалаларда қоидаларни далил сифатида келтириш билан бирга кўпгина зобита хусусиятли қоидаларга асосланиб ҳам ҳукм чиқаради.⁴² Мисол учун: Ҳанафий фақиҳларининг қул озод қилиш билан боғлиқ мунозараларини (*الاعتاق يتجزء عند ابي حنيفة و عندهما لا يتجزء*) *“Абу Ҳанифага кўра қул озод қилиш мутажаззаъ (бўлаклаш мумкин нарса), Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадга кўра мутажаззаъ эмас (бўлаклаш мумкин эмас)”* деган зобитага асосланиб ҳукмни барпо қилади.⁴³

Уламолар ихтилоф қилган масалаларни таҳлил қилишда қарашларнинг турлича бўлишига сабаб бўлган фикҳий қоидаларни келтириш билан бир қаторда, усул қоидаларини ҳам зикр қилиб ўтади.⁴⁴

Шайтонга тош отилаётганда отиладиган нарсанинг нима бўлиши борасида Имом Шофиъий (в.й.204/820) билан Имом Ҳанифа ораларида бўлган мунозарада (*المطلق لا يحمل علي*) *“Мутлақ муқайяд сифатида қабул қилинмайди. Имкон бўлса мутлақ итлоқи ва муқайяд эса тақйиди асосида жорий бўлади”* деган усул қоидасини далил сифатида келтиради.⁴⁵

³⁸ Косоний.Бадоиъ. – Ж:I. – Б.332, – Ж:IX. – Б.249,490; – Ж:X. – Б.29,61,522-24.

³⁹ Косоний.Бадоиъ. – Ж:IX. – Б.242.

⁴⁰ Косоний.Бадоиъ. – Ж:I. – Б.330-1,360-1,614-5; – Ж:II. – Б.236-7; – Ж:III. – Б.6-9,30,227; – Ж:IV. – Б.206-7,375; – Ж:VI. – Б.241-42; – Ж:VII. – Б. 60-63,453; – Ж:VIII. – Б.94,220,231,235,279 -80,397,468,494; – Ж: IX. – Б.42,190,332; – Ж:X. – Б.39,70,71,193, 203, 356,490.

⁴¹ Косоний.Бадоиъ. – Ж:I. – Б.482; – Ж:III. – Б.80; – Ж:X. – Б.321.

⁴² Косоний.Бадоиъ. – Ж:III. – Б.49,336,395; – Ж:IV. – Б.282,286,486; – Ж:V. – Б.47,432; – Ж:VII. – Б.475; – Ж:VIII. – Б.231-5,265-66-67,443.

⁴³ Косоний.Бадоиъ. – Ж:V. – Б.235,249,284-5,332,346,383-4,451,455.

⁴⁴ Косоний.Бадоиъ. – Ж:III. – Б.139.

⁴⁵ Косоний.Бадоиъ. – Ж:III. – Б.186,452,607; – Ж:IV. – Б.307-8,4057; – Ж:V. – Б.47,232; – Ж:VI. – Б.177,186,489,494; – Ж:VII. – Б.36; – Ж:VIII. – Б.294,302; – Ж:IX. – Б.48,384; – Ж:X. – Б.105.

Барча қоидаларни ал-Асл, ал-Асл ал-Маъхуд, аз-Зоҳир, ал-Мазҳаб, ал-Жомиъ ва ал-Қиёс каби ифодалаб, улар асосида ҳукмлар чиқаради.

Олим тил қоидаларини келтириб, уларни ҳам далил сифатида ишлатади. Баъзи фикҳий масалаларнинг мунозараларини тил қоидалари билан боғлаган ҳолда шарҳлайди.⁴⁶ Мисол учун: қилинган қасам қандай натижага олиб келиши борасида Ҳанафий фақиҳларининг ихтилофли қарашларини изоҳлар экан, (**ان مطلق اللفظ يصرف الي المتعارف عند اهل اللسان**) “Тилшунос олимлар фикрига кўра мутлақ маънода ишлатилган сўз (омма орасида) кенг тарқалган маънода қабул қилинади” ёки (**مطلق الكلام محمول علي الحقيقة**) “Мутлақ кўринишда айтилган сўз ҳақиқий маъносида қабул этилади” қоидаларига мурожаат қилади.⁴⁷

Абу Бакр Косоний фикҳий масалаларни қоидалар асосида тартиблашда аввало Абу Ҳанифа (р.а)нинг фикрларига таянади ҳамда Ҳанафий мазҳаби уламолари асосланган қоидаларни биринчи ўринга қўяди. Ҳанафий мазҳаби уламолари асосланган қоидаларни “Абу Ҳанифа дейди” тарзида келтиради. Масалан:

ويقول أبو حنيفة : إن ترك القياس يكون اعتمادا على قياس آخر أقوى تأثيرا

Абу Ҳанифа дейди: “Қиёсни тарк қилиш ундан кучлироқ бўлган бошқа қиёсга таянган ҳолда амалга оширилади.”

Абу Бакр Ал-Косонийнинг “Бадоиус Саноиъ фи тартиб аш-шароиъ” асари ўз тузилиши, мавзулари, боб ва фаслларининг янги тартибда берилгани, унгача ёзилган мумтоз шарҳларга ўхшамаслиги билан ажралиб туради.

Абу Бакр Ал-Косонийнинг бадиий адабиёт намуналари билан, жумладан шеърият билан ҳам ошно бўлганлигини эътироф этиш учун баъзи далиллар мавжуд. Тарихчи Ҳофиз Қураший, Ибн Қутлубғо ва Ибн Адимлар келтиришича, “Бадоиъус саноиъ фи тартибиш шароиъ” асарининг дастхати ҳошиясида муаллиф Косоний томонидан ҳижрий 583/1187 йил Шаввол ойининг ярмида ёзиб қолдирган қуйидаги мисралар мавжуд.

**سَبَقْتُ الْعَالَمِينَ إِلَى الْمَعَالِي
بَصَائِبِ فِكْرَةٍ وَعُلُوِّ هِمَّةٍ
وَلَاخَ بِحِكْمَتِي نُورَ الْهُدَى فِي
لَيْالٍ بِالضَّلَالَةِ مَذْهَبُهُ
يُرِيدُ الْحَاسِدُونَ لِيُطْفِئُوهُ
وَيَأْبِ اللَّهُ إِلَّا أَنْ يُتِمَّهُ⁴⁸**

Оламлар илмларин чўққиларига
Олиб борди мени икки фазилат.
Биринчиси бўлди тийран фикр,
Иккинчиси албат, соф олий ҳиммат.

Залолат домига ботган кечалар
Ҳидоят нури-ла бўлур мунаввар.

⁴⁶Косоний.Бадоиъ. – Ж:III. – Б.414; – Ж:IV. – Б.142-3,372; – Ж:VI. – Б.93.96; – Ж:IX. – Б.56

⁴⁷Косоний.Бадоиъ. – Ж:IV. – Б.139.

⁴⁸ Қураший. Жавоҳир ал-музийя. – Ж: 4. – Б. 25; Ибн Қутлубғо. Тож ат-тарожим. – Б. 85; Ибн Адим. Буғят ат- талаб. – Ж: X. – Б. 43.

Гарчи ҳасадгўйлар ўчирмоқ истар,
Аллоҳнинг амрисиз ўчмас бирор нур.

Шеърнинг умумий мазмуни: Аллоҳ менга берган билим ва заковат билан энг олдинги сафдаги олимлардан бўлдим. Жоҳиллик ва залолат ёпинчиғи ёпиб ташланган ҳидоят нуруни Ҳикмат воситасида қайта нур сочишига сабабчи бўлдим. Афсуски, ҳақиқатни йўқотиш, унинг нуруни ўчиришга бутун борлиғи билан уринадиган баъзи нокаслар бўлса ҳам, бутун оламнинг адолатли Хўжайини– Аллоҳ ҳар доим ҳақиқатни ошкор қилувчи зотдир. Қудратли зотга улар қайданам бас кела олсинлар?!

Хулоса қилиб айтганда, Абу Бакр Ал-Косоний фикҳий қоидаларни бу тарзда тартибланиши анъанасига, унинг илмий тур сифатида шаклланишига асос солган олим, фақиҳ ҳамда шеърӣ ва бадийӣ услубларни мукамал эгаллаб, уларни моҳирона қўллашга эришган шахсдир.

